

Иқтисодий-хукукий газета


НОРМА МАСЛАХАТЧИ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

**СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ
ХУКУҚ**

«СБХ» газетаси билан биргаликда тарқатилади.

Парламент хабарлари



27 марта куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси очилди.

Унда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш вазифаларини изчиллик билан ҳал этишда муҳим роль ўйнайдиган бир қатор қонунлар ва масалаларни муҳокама қилиш мўлжалланган.

26 марта Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси И.Собиров олиб борди.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлис Сенатининг Раиси ўринбосари Ф.Мухитдинованинг парламент юқори палатасининг ўн учинчи ялпи мажлисига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар ҳақидаги ахборотини тинглаб, маълумот учун қабул қилдилар.

Кўмиталарнинг раислари навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар ва бошқа масалалар юзасидан хulosалар тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш бўйича ўзаро фикр алмашдилар.

Мажлисда Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Кенгаш тегиши қарорлар қабул қилди.

Шу куни Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари ҳамда Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмиталарининг мажлислари бўлиб ўтди, уларда ўн учинчи ялпи мажлис кун тартибиغا киритиладиган масалалар муҳокама қилинди.

25-26 марта кунлари қўмиталар Конунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва маъқуллаш учун Сенатга тақдим этилган 25 та қонунни, шунингдек, парламент юқори палатаси қўмиталари ваколатларига тааллуқли бошқа масалаларни муҳокама қилдилар. Улар орасида хусусан, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари учун божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзларни кўллаш тартибини бирхиллаштириш ва расамадга солиша йўналтирилган «Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 109-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги, барча турдаги транспорт воситаларидан фойдаланишида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиги хавфсизлигини таъминлашнинг хуқуқий асосларини кенгайтирувчи «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, вояга етмаган шахсларнинг хуқуқ ва

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

манбаатларини ҳимоя қилишга, шунингдек, болалар ўртасидаги жиноятилика қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган «Вояга етмаган шахсларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хуҷжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари бор.

Қўмита мажлисларида «Одам савдошига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини кўриб чиқишга алоҳида этибор берилди. Сенаторлар томонидан қайд этилганидек, мазкур қонунда одам савдошига қарши курашишнинг асосий принциплари, ёни қонунийлик, одам савдоши билан шуғулланувчи шахс жавобгарлигининг муқаррарлиги, одам савdosidan жабрланганларнинг камситилишига йўл кўймаслик, ижтимоий ҳамкорлик принциплари белгилаб берилмоқда.

Кўриб чиқилған барча қонунлар ўн учинчи ялпи мажлис кун тартибиغا киритиш учун тавсия этилди.

Мажлисларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2007 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахборот, шунингдек, айрим сенаторларнинг ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ҳисботлари тингланди ҳамда сенаторларнинг ва Олий Мажлис Сенати қўмиталарининг фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар ишлаб чиқиди.

Ўн учинчи ялпи мажлис кун тартибиغا киритиш мўлжалланган қонунларни кўриб чиқиш асосида сенаторлар ўз муносабатларини билдиришлари жоиз бўлган хуқуқий хуҷжатларнинг мазмун ва моҳияти ҳақидагина эмас, балки уларнинг жамиятимизни янада демократлаштириш ҳамда модернизациялаш жараёнидаги амалий роли тўғрисида ҳам сўз юритдилар. Шу нарса ҳам қайд этиб ўтилди, ҳар бир янги хуқуқий хуҷжат хуқуқни кўлланиш йўналишида аниқ механизм ишлаб чиқилишига муҳтоҷ, унинг моҳияти ва аҳамияти эса аҳолига фаол тарзда тушунтирилмоғи лозим. Шу билан бирга мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкор ислоҳотларнинг хуқуқий базасини кенгайтиришда кўриб чиқилган мазкур қонунларнинг муҳим роль ўйнаши тақозо этилади деган фикрлар ҳам билдирилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегиши қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Матбуот хизмати материаллари
асосида тайёрланди.**

**Қонун чиқарувчилар
нималар устида ишлашмоқда**
**ИШ БЕРУВЧИННИГ ЖАВОБГАРЛИГИНИ
МАЖБУРИЙ СУФУРТАЛАШ**

«Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суфурталаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишига тайёрланмоқда. Уни ишлаб чиқиш Президентнинг ПК-618-сон қарори¹ билан тасдиқланган 2007-2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суфурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастурида назарда тутилган.

5 марта НКМК бизнес марказининг мажлислар залида Конунчилик палатасининг Мехнат ва ижтимоий масалалар кўмитаси ҳамда Молия вазирлиги БМТРДнинг «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» лойиҳаси билан ҳамкорлиқда ташкил этган давра суҳбати ўтказилди. Унда Конунчилик палатаси депутатлари, Молия вазирлиги ва Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги мутахассислари, шунингдек суфурта компаниялари ва ҳалқаро ташкилотларнинг вакиллари иштирок этдилар. Қонун лойиҳасининг умумий концепцияси ва алоҳида меъёрлари, шунингдек уни жорий этишнинг иш берувчилар ва ишловчи фуқаролар учун иқтисодий оқибатларининг прогностлари муҳокама қилинди.



Суфуртанинг мажбурий турлари ҳақида сўз боргандага кўпчилик суфурталовчилар одатда уларнинг жорий этилишини катта иштиёқ билан қабул қиласидилар, чунки бу ҳар доим мижозларнинг кўлайшини кафолатлади, уларни кўндириш ҳам керак бўлмайди, барқарор даромад келтиради. Бироқ бу гал давра суҳбатидаги суфурта компаниялари вакиллари ортиқча ҳиссиятга берилмадилар. Бироқ бўлғуси суфурталувчилар – корхоналар раҳбарлари ҳақиқатан ҳам хурсанд бўлмадилар, истиқболда меҳнатга ҳақ тўлаш фондига алоқадор ҳаражатларнинг яна бир маддаси кўшиладиган бўлди.

Ушбу қонун қандай мазмунгэга? У кимнинг манфаатларига даҳлдор бўлади? Бу ҳаммани қизиқтираса керак, чунки айрим истисноларни ҳисбога олмагандა, ҳаммамиз – суфурталовчи ёки иш берувчимиз ёхуд иш берувчиларнинг ходимларни ёки ёч бўлмагандага ўша ходимларнинг қариндошларимиз...

ҲАР 15 СОНИЯДА...

Суфурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури республикада

¹2007 йил 10 апрелдаги «Суфурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПК-618-сон қарор.

Мехнат кодекси иш берувчининг ходим олдида ходим ўз меҳнат мажбуриятларини бажараётганида унинг саломатлиги ёки

3-бетда

6-7-бетлар
Апрель. Солик тўловчининг тақвими

tel.(99897) 119-0000
155-0955

Toшкент ш., Навоий кўч., 13

УШБУ
СОНДА

1,3-4-бетлар

Суфурта: иш берувчининг
жавобгарлиги

\$1 = 1300,03 сўм

2-бет

Солик кодекси
Янгийўлда ўрганилди

€1 = 2042,22

5-бет

Қонун ва ижро

£1 = 2599,28 сўм

6-7-бетлар

Апрель. Солик тўловчининг тақвими

¥10 = 132,40 сўм

INTER-PRESS
АҲБОРОТ АГЕНТЛИГИ

www.interpress.uz
pr44_045

Bella Terra • Baby Terra • Jannat Makon • 7 дней • Burda • Cosmopolitan • Forbes • Домовой • Glamour • OOPS! • Автомир

Аргументы и Факты • Verena • Вокруг света • Вокруг смеха • Все звезды • За рулем • Здоровье • Итоги
• Караван Историй • Клаксон • КоммерсантЪ • Крестьянка • Лиза • Огонек • Отдохни! • Совершенно секретно

ОБУНА-2008
ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

ГАЗЕТАЛАР, ЖУРНАЛЛАР, КИТОБЛАР

СОЛИК ТҮЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ



14

– апрель ойи учун фойда солиги бүйича жорий түловни түлашнинг сүнгги куни*** (Солик кодекси, 164-модда, учинчи қисм);

– март ойи учун Халқ банкига жамгариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи ходимлар реестри ва шахсий жамгариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига 1 фоиз микдорида бадаллар түлангани ҳақида түлов топширикномасини тақдим этишнинг сүнгги куни (ЎзР ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарори билан тасдиқланган Халқ банки томонидан фуқароларни жамгариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишин юритиш тартиби түгрисида низомнинг 16-банди; МВ, ДСК ва МБнинг АВ томонидан 6.10.2005 йилда 1515-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Иш берувчилар томонидан фуқароларнинг шахсий жамгариб бориладиган пенсия ҳисобваракларига мажбурий бадалларни қўшиш ва тўлаш тартиби түгрисида низомнинг 10-банди).

15

– апрель ойи учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилманни ривожлантириш солиги бүйича жорий түловни түлашнинг сүнгги куни**** (Солик кодекси, 300-модда, бешинчи, олтинчи қисмлар);

– март ойи учун мактаб таълимими ривожлантиришга мажбурий ажратмалар бүйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва уларни түлашнинг сүнгги куни* (МВ ва ДСКнинг АВ томонидан 31.01.2005 йилда 1446-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Мактаб таълимими ривожлантиришга мажбурий ажратмаларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби түгрисида низомнинг 6, 7-бандлари).

23

– апрель ойининг II ўн кунлиги учун акциз солигини тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– апрель ойининг II ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган соликни тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 304-модда, тўртинчи қисм).

24

– 2008 йилнинг I чораги учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сүнгги куни***** (АВ томонидан 3.07.2000 йилда 942-сон билан рўйхатдан ўтказилган Чораклик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари түгрисидаги низомнинг 4-банди);

– 2008 йилнинг I чораги учун ҳисобланган ва амалда тўланган даромадлар суммалари ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг ушлаб қолинган суммалари түгрисидаги маълумотларни тақдим этишнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 187-модда, 2-банд);

– март ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик ҳисоб-китобни тақдим этиш ва соликни тўлашнинг сүнгги куни***** (Солик кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);

– сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган соликнинг умумий суммаси бир чоракда ЭКИХнинг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан 2008 йилнинг I чораги учун солик бүйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва соликни тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 263-модда, учинчи қисм; 264-модда, биринчи қисм);

– 2008 йилнинг I чораги учун фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сүнгги куни** (Солик кодекси, 310-модда, тўртинчи ва бешинчи қисмлар).

3

– март ойининг III ўн кунлиги учун акциз солигини тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– март ойининг III ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган соликни тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 304-модда, тўртнинчи қисм).

5

– март ойи учун акцизли товарлар алоҳида турларининг харид қилиниши ва сотилиши (ички бозорда янги автомобиллар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, автомобиль бензини, дизель ёқилғисини сотиш) маълумотларни тақдим этишнинг сүнгги куни.

9

– март ойи учун меҳнат пайтида майиб бўлиш ёки касбий касалла-ниш оқибатида тайинланган ва тўланган пенсиялар бүйича харажатларни қоплашга тўлов тўлашнинг сүнгги куни (МВ, МАИМКВ, ДСК ва МБнинг АВ томонидан 6.04.2004 йилда 1333-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарори билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни ҳамда давлат ижтимоий суғұртасига мажбурий бадаллар ва ажратмаларни ҳисоблаш, тўлаш ва тақсимлаш тўгрисида низомнинг 44-банди);

– 2008 йилнинг II чораги учун ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилманни ривожлантириш солиги бүйича жорий тўловлар тўгрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 300-модда, тўртнинчи қисм);

– 2008 йилнинг II чораги учун таҳмин қилинаётган фойдадан келиб чиқиб фойда солиги бүйича жорий тўловлар тўгрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 164-модда, икинчи қисм).

10

– март ойи учун ягона ижтимоий тўлов ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сүнгги куни* (Солик кодекси, 310-модда, учинчи қисм);

– март ойи учун ягона ижтимоий тўловни тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 310-модда, тўртнинчи қисм).

13

– апрель ойининг I ўн кунлиги учун акциз солигини тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 240-модда, биринчи қисм);

– апрель ойининг I ўн кунлиги учун сотишнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқкан ҳолда транспорт воситалари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ истеъмолига жисмоний шахслардан ундириладиган соликни тўлашнинг сүнгги куни (Солик кодекси, 304-модда, тўртнинчи қисм).

• РЕКЛАМА

ЯНГИЛАНУВЧИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

Конун хужжатларига ўзгартиришлар киритилдими?


Янги Солик кодекси чиқдими??

Буларнинг ҳаммасини қандай ҳисобга олиш мумкин???

ҚЎЛ ОСТИНГИЗДА ҚЎЛЛАНМАЛАРИМIZ БЎЛСА, БУ МУАММО ЭМАС



**“АМАЛИЙ
БУХГАЛЬТЕРИЯ”**
1 жилд – 800 саҳифа –
500 дан ортиқ
вазият ва мисоллар



**“АМАЛИЙ
СОЛИК СОЛИШ”**
2 жилд 800 саҳифадан –
1 000 дан ортиқ
мисоллар ва амалий
маслаҳатлар

12 ой давомида 6 та янгилаш

● Тушунтиришлар ● Шарҳлар ● Тавсиялар

Биз иккитани бирда, учтани иккитада бирлаштирумаймиз –
Биз тўлиқ ахборот берамиз!

Кўшимча ахборот учун телефонлар: 244-89-17, 244-44-29, 232-18-80



БЕРАТОР – ишлаш ҳам осонлашди!

Акция! Ҳар 3 кунда янгилаш!

Бераторга ёки 15.03.дан 15.04.08й. гача янгилашга ҳақ тўланадиганларни барчаси электрон почта орқали ҳар 3 кунда қўшимча янгилашларни оладилар.

Илгари бухгалтер конун МАТНИНИ ўқиб, уни қўллашга урнанди. Барибир баъзан янгилашади... Энди бухгалтерлар “БЕРАТОР”дан фойдаланадилар, унинг саҳифаларида бухгалтериҳ ҳисобининг ҳар бир мавзуси бўйича ВАЗИЯТЛАР алоҳида бобларда бериладиган (жами 1000 га якин). Масалан, “Касаллик варавасига ҳақ тўлаш” зарур бобни очсангиз, унда сизнинг вазиятингизга оид тушунтиришлар, мисоллар, проводкалар, бирламча хужжатлар ва қонуларга ҳаволаларни топасиз. Ҳаммаси янги Солик кодекси бўйича!

Бухгалтерия+Солик солиши+Илига 12 та янгилаш = 2 та маълумотномага 117 минг сўм! Ёки 40 минг сўм ва бўлиб-бўлиб тўлаш.

Шунингдек CD да ва ўзбек тилида.

Шунингдек “Рахбар бератори” – фирманинг бутун фаoliyatiни ўз ичига оладиган 800 та бошқарув вазияти ва “Мансабдор шахслар ва ташкилот жавобгарлиги” бўлими (БЕРАТОРИ борларга 10% чегирма).

Диккат, “Академпресса” ва БТЛнинг янги телефонлари!

Тел.: 241-05-42, 241-06-96, 241-14-10, 380-93-52 (ички назорат бўлими).

Бератор фрагментлари, сарлаҳзлар ва шартномалар

факс ёки e-mail орқали: izberator@rambler.ru

Демоверсия www.berator.uz да, вилоятларга етказиб бериш.

Вилоятлардаги вакиллар: Андижон ш. 8-374-2262211,

Наманган ш. 8-369-2320273, 3413, Навоий ш. 8-436-2235610,

Кўкён ш. 8-37355-28374, Фарғона ш. 8-373-2236199, 998-98576,

Самарқанд ш. 8-366(2)-222402, 343250

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНЧУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

- **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ:**

- «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида».

- **ПОСТАНОВЛЕНИЕ КАБИНЕТА МИНИСТРОВ:**

- «Об изменении розничных цен на автобензин».

- **ИДОРАВИЙ-МЕЪЕРИЙ ХУЖЖАТЛАР:**

- ЎзР ИВ, МВ, ТИАИСВ, ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси худудига олиб киришда божхона тўловларидан озод килинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар кириши ҳақида»ги қарори;

- ЎзР ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси божхона органларида контрактлар (шартномалар) ва битимларни ҳисобга қўйиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар кириши ҳақида»ги қарори;

- ЎзР молия вазирининг «Автобензин ва дизель ёқилғиси учун қатъий микдорда белгиланган акциз солиги ставкаларини қайта кўриб чиқиш тўғрисида»ги буйруғи;

- ЎзР ДБКнинг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 июнданги 242-сонли қарорининг 1-банди 2-хатбошисини қўллаш бўйича қўрсатмани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори;

- ЎзР МВ, АВ, ДСКнинг «Адвокатлик бюролари, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

- **МЕЪЕРИЙ-ХУКУҚИЙ ХУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2008 ЙИЛ 16 ФЕВРАЛДАН 29 ФЕВРАЛГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

2008 йил 29 февралдаги «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида ПҚ-805-сон қарорига
1-ИЛОВА

«ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ

(«Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами», 2008 йил, 10-11-сон, 56-модда)

| T/р | Тадбирлар номи | Бажарниш муддати | Бажарниш учун масъуллар | Харжатлар (млн сўм) | Молиялаштириши манбалари | Хужжатни тақдим этиши шакли, амала ошириши механизми ва кутилаётган натижаси |
|--|--|--|---|---------------------|--------------------------|--|
| I. Ёшларнинг манбаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва хукуқларини ҳимоя қилишга қаратилган норматив-хукуқий базани такомиллаштириш | | | | | | |
| 1. | Амалдаги норматив-хукуқий базани, унинг ёшлар манбаатлари ва хукуқларини ҳимоя қилишга оид қисмини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш. | 1 майгача | Амалдаги қонун хужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази | | | Таклифлар пакети. Янги норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва амалдаги хужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш. |
| 2. | “Таълим тўғрисида”ти Қонунни янги таҳрирда қабул қилиш. | I ярим йиллик | Олий Мажлис Қонунчиллик палатаси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Адлия вазирлиги, “Сен ёлғиз эмассан” жамғармаси | | | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Узлуксиз таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишини давом эттириш. |
| 3. | “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ти Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. | IV чорак | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази | | | Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси. Баркамол ёшларни тарбиялаш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун қўшимча хукуқий, ташкилий шартшароитлар ва кафолатлар яратиш. |
| 4. | Кўйидаги низомларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш: <ul style="list-style-type: none">иқтидорли болалар учун ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари тўғрисида;ота-она қаровисиз қолган болалар учун оиласий типдаги болалар марказлари тўғрисида;янги таҳрирдаги “Мехрибонлик” уйлари тўғрисида;жисмоний ва ақлий заиф болалар учун ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим муассасалари тўғрисида. | II чорак III чорак III чорак IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташаббуслари маркази, “Янги авлод” танлови дирекцияси, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тест маркази “Ҳаёт” нодавлат нотижорат ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, “Сен ёлғиз эмассан” жамғармаси | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳалари. Иқтидорли болалар учун ихтисослашган мактаблар фаoliyatiining норматив-хукуқий асосларини белтилаш ҳамда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва уларнинг ҳар томонлама камол топиши учун шартшароитлар яратиш. Ота-она қаровисиз қолган ва ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг имкони борича оиласа яқинлаштирилган шартшароитларда яшаси ва тарбиялашнишини, уларнинг жамиятга мослашувини таъминлаш. |

| T/p | Тадбирлар номи | Бажарниш муддати | Бажарниш учун масъуллар | Харалаштилар (млн сўм) | Молиялаштириши манбалиари | Хужжатни тақдим этиши шакли, амалга ошириши механизми ва кутилаётган натижаси |
|-----|---|------------------|---|------------------------|---------------------------|--|
| 5. | “Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларининг турли грантларини оладиган иқтидорли ўкувчилар ва талабаларни янада рағбатлантириш тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиши ва қабул қилиши. | III чорак | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Маданияти ва спорт ишларни вазирлиги, “Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Келажак овози” ёшлар ташабbusлари маркази, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Янги авлод” танлови дирекцияси | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. Таълим жараённида иқтидорли ўкувчилар ва талабаларни рағбатлантириш тизимини яратиш, шунингдек, уларни таълим муассасаларида ўқитишининг давом эттирилишини таъминлаш. |
| 6. | “Янги авлод” Республика болалар фестивали тўғрисида”ги Низомни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. | IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, “Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Янги авлод” танлови дирекцияси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг “Камалак” ташкилоти, “Келажак овози” ёшлар ташабbusлари маркази, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. “Келажак овози” танлови мисолида “Янги авлод” фестивалини давлат томонидан кўллаб-куватлаш ва унга миллий мақом бериш, фестивал голибларига ихтиосослаштирилган мактабларга имтиёзли кириш имкониятини яратиш. |
| 7. | Замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш. | IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат тест маркази, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси. “Умумий ўрта таълим тўғрисида” ва “Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тўғрисида”ги янгиланган низомларни тасдиқлаш. |
| 8. | Узлуксиз таълим тизими бў-гиниларидан бири бўлган мактабдан ташқари таълим тизимини ислоҳ қилишини давом эттириш, болаларнинг мактабдан ташқари таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиши. | III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, “Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми” жамғармаси, “Ҳаёт” надавлат нотижорат ташкилоти | | | Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабдан ташқари таълим муассасалари тармогини ва штатлар сонини мақбулаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси. Узлуксиз таълим тизими бўгиниларидан бири бўлган мактабдан ташқари таълим тизимини ислоҳ қилишини давом эттириш, болаларнинг мактабдан ташқари таълим олиши учун шарт-шароитлар яратиш. |

II. Таълим соҳасида илгари қабул қилинган умуммиллий давлат дастурларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш

2.1. Таълим жараёнини унинг узлуксизлиги ва давомийлиги, иқтисодиётнинг реал тармоқлари ва соҳаларида талаб катта бўлган мутахассислар тайёрлаш нуқтаи назаридан келиб чиқкан ҳолда тақомиллаштириши

| | | | | | | |
|-----|--|----------|--|--|--|--|
| 9. | Ўкувчиларнинг мажбурий умумий ўрта таълим олишини тугалламаслиги, 9-синф битирувчиларининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан қамраб олинмаслиги ҳолларини таънқидий ўрганиш асосида болаларнинг умумий ўрта мактаблар, 9-синфлар битирувчиларининг эса академик лицейлар, касб-хунар коллежларида ўқитиши билан 100 фоиз қамраб олинишини таъминловочи комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиши. | I чорак | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Бажарувчилар томонидан ҳар бир минтақа бўйича болаларнинг мажбурий умумий ўрта таълим тизимида, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тармоғида тўлиқ қамраб олинишини таъминловочи комплекс чора-тадбирларни тасдиқлаш. |
| 10. | Болаларнинг умумий ўрта таълим, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан қамраб олиниши, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашиши ва олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттириши юзасидан статистика ҳисоботи ва мунтазам мониторинг тизимини жорий этиши. | Апрель | Давлат статистика кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Адлия вазирлиги | | | Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларнинг умумий ўрта таълим, 9-синф битирувчиларининг эса ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан қамраб олинишини, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари битирувчиларининг ишга жойлашишини ва олий таълим муассасаларида ўқишини давом эттиришини, олий таълим муассасалари битирувчиларининг ишга жойлашишини ҳисобга олиш ва статистика ҳисоботи тартиби тўғрисида”ги қарори лойиҳаси. |
| 11. | Болаларнинг умумий ўрта таълим тизими билан, мактаблар 9-синфлари битирувчиларининг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан 100 фоиз қамраб олиниши учун вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳамда таълимни бошқариш органларининг жавобгарлигини оширишга қаратилган аниқ таклифлар ишлаб чиқиши. | Апрель | Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Давлат статистика кўмитаси, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | 2008 йил I чорак якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ўкувчи ёшларнинг таълим муассасалари тармоғи билан тўлиқ қамраб олинишини маҳаллий ҳокимликлар ва ҳудудий таълим органларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан ҳамкорликда ишлаб чиқилган таклифлар комплексини тасдиқлаш учун киритиш. |
| 12. | Иқтисодиёт тармоқларидаги таркибий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, иқтисодиёт соҳаларида бўш иш ўринлари мавжудлигини, шунингдек, ҳудудлар ва мутахассисликлар бўйича ёшларнинг бандлик даражасини комплекс инвентаризацияядан ўтказиш ва таънқидий таҳдил қилиши. | II чорак | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мудоғаза қилиш вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Давлат статистика кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Келажак овози” ёшлар ташабbusлари маркази | | | Бажарувчиларнинг қўщма қарорлари асосида ҳар бир минтақа бўйича бўш иш ўринлари мавжудлини ва янги иш ўринлари яратиш, ёш мутахассисларга бўлган талаб даражасини ошириш бўйича тадбирлар режасини тасдиқлаш. |

| T/p | Тадбиrlар номи | Бажарши муддати | Бажарши учун масъуллар | Харжсат-лар (млн сўм) | Молиялаштириш манбалари | Хужжатни тақдим этиш шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижса |
|-----|---|-----------------|---|-----------------------|--------------------------------|---|
| 13. | Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда минтақадар бўйича кадрларга бўлган талабни ҳар йили прогноз қилишининг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, зарурат бўлгандага олий ва ўрга маҳсус таълим тайёрлов йўналишлари ва ихтисосликлар классификаторини қайта кўриб чиқиш. | III чорак | Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, “Келажак овози” ёшлар ташабbusлари маркази, Бандликка кўмаклашиш агентлиги | | | Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари билан: — иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари ҳамда минтақадар бўйича кадрларга бўлган талаб параметрларини прогноз қилиш ва тақдим этиш механизмини жорий қилиш; — олий ва ўрга маҳсус таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш йўналишларини қайта кўриб чиқиш тартибини жорий этиш; — иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларидаги талаб юқори бўлган мутахассисликлар номенклатурасининг олий ва ўрга маҳсус таълим муассасаларида тайёрланадиган мутахассисликлар рўйхати билан ўзаро боғланишини таъминлаш бўйича тадбирлар комплексини тасдиқлаша. |
| 14. | Узлуксиз таълим тизимида ёшларни касбга йўналтириш тизимини такомиллаштириш, шу жумладан: • ўқувчи ёшларнинг, айниқса мактаб ёшидаги болаларнинг қизиқишилари, қобилияtlари ва интилишлари тўгрисида маълумотлар базасини яратиш; • 9-синф ўқувчилари учун уларнинг қизиқишилари ва қобилияtlарини инобатта олган ҳолда касб-хунар колледжларида ва академик лицейларда амалий машгулотлар ташкил этиш. | IV чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, маҳаллий ҳокимликлар | 40,0 | Бажарувчилар маблаги ҳисобидан | Бажарувчиларнинг қўшма қарорлари. Қабул қилинган чора-тадбирлар: ўқувчиларнинг ўрга маҳсус, касб-хунар таълими йўналишини танлашида касб диагностикасини асосли равишда ўтказиш; болаларнинг қобилияtlarini va интилишларини мақсадли ривожлантириш, шунингдек уларда тегишли билим ва кўникмаларни ҳосил қилиш; узлуксиз таълим тизимида касбга йўналтириш ишларини олиб боришда узлуксизликни ва изчилликни таъминлаш имконини беради. |
| 15. | Олий маълумотли мутахассисларга бўлган талабни минтақадар, ижтимоий соҳада ва иқтисодиётнинг реал сектори кесимида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича танқидий таҳлил қилиш ва инвентаризациядан ўтказиш. | III чорак | Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, тасарруфида олий таълим муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар | | | Олий таълим муассасалари битирувчиларнинг ишга жойлашишини таъминлаш имконини берадиган олий таълим муассасаларига қабул квоталарини оқилона шакллантириш. |
| 16. | 1998 — 2007 йillardа фойдаланишга топширилган колледжлар ва лицейларнинг ҳудудий жойлашишини ва касб йўналишларини комплекс инвентаризациядан ўтказиш ҳамда шу асосда мактабларнинг 9-синф битирувчиларини тўлиқ қамраб олишни таъминлаш, уларнинг кулагай жойлашишини, ўқувчи ўринлари мақбуллигини ва кадрлар тайёрлаш йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир туман (шаҳар)да лицей ва коллеж курилиши тўгрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқиш. | Апрель | Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, “Давархитекткурилиш” қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ижтимоий ташабbusларни қўллаб-куватлаш жамғармаси | | | Вазирлар Маҳкамасига қарор қабул қилиш учун 2009 йилда академик лицей ва касб-хунар колледжлари қурилишининг аниқ манзилли рўйхатини шакллантириш бўйича келишилган таклифларни киритиш. |
| 17. | Аҳоли яшаш пунктларидан узокда ва номақбул жойлаштирилганлиги туфайли ўқувчи ўринлари тўлмаган касб-хунар колледжларини атрофлича инвентаризациядан ўтказиш ва улар бўйича алоҳида қарор қабул қилиш. | 1 июлгача | Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари | | | Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Касб-хунар колледжларининг ҳудудий жойлашишини мақбуллаштириш ва фаолияти самародорлигини ошириш. |

2.2. Таълим муассасаларини куриш ва реконструкция қилиш, уларни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникини ва зарур коммуникация тизимлари билан жиҳозлаш

| T/p | Тадбирлар номи | Бажарниш муддати | Бажарниш учун масъуллар | Харжсатлар (млн сўм) | Молиялаштириши манбалари | Хужжатни тақдим этиши шакли, амалга ошириши механизми ва кутилаётган натижаси |
|-----|---|------------------------|--|---|---|--|
| 18. | 216 578 ўринга эга бўлган 656 та умумтаълим мактаби ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш, шу жумладан: 23 655 ўқувчи ўринга эга бўлган 70 та янги мактаб қуриш; 192 923 ўқувчи ўринга эга бўлган 586 та мактабни капитал реконструкция қилиш. Бундан ташқари: 420 624 ўқувчи ўринга эга бўлган 790 та мактабни мукаммал таъмирлаш; 215 662 ўқувчи ўринга эга бўлган 430 та мактабни жорий таъмирлаш; 1 877 та мактабни мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжомлари билан жиҳозлаш. | III чорак | Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, «Давархитекткурилиш» кўмитаси | Жами: 551 915,9 44 988,0 6,6 млн. доллар 189 981,0 98 617,0 17 448,0 142 022,0 38,2 млн доллар | Мактаб таълимини ривожлантириш жамгармаси Ислом тараққиёт банки кредити Мактаб таълимини ривожлантириш жамгармаси Осиё тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш ўюшмаси, Эксимбанк (Корея) кредитлари | Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги 321-сон қарорини бажариш. Умумтаълим мактабларининг моддий-техника базасини ва инфратузилмасини тубдан яхшилаш ва таълим жараёнининг сифатини ошириш. |
| 19. | 2008 йилги қурилишларнинг аниқ манзилли рўйхатига киритилган, 119720 ўқувчи ўринга эга бўлган 20 та академик лицей ва 170 та касб-хунар коллежининг ўз вақтида фойдаланишга топширилишини таъминлаш. Ўқув устахоналарига, ўқув-лаборатория ва техник асбоб-ускуналарга эга бўлган 8 та касб-хунар коллежини корхоналар маблаги ҳисобига қуриш ва жиҳозлаш. | III чорак III чорак | Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, «Давархитекткурилиш» кўмитаси Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, “Ўзбекэнерго” ДАК, “Ўзбекнефтгаз” МХК, “Ўзбекистон темир йўллари” ДАК, “Ўзавтойўл” ДАК, “Ўзавтосаноат” АК, “Ўзмиллийбанк” | Жами: 394 362,0 377 942,0 16 420,0* шу жумладан: 2 286,0 4 572,0 4 268,0 2 128,0 1 640,0 1 526,0 | Бюджет маблаглари Корхона ва ташкилотлар маблаглари* Лимитлар лойиҳа-смета хужжатлари экспертиза-дан ўтказилгандан ва танлов саводлари ўтка-зилгандан кейин аниқлаштирилади | Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарорини бажариш. 9-синфлар битирувчиларини ўрта маҳсус таълимга тўлиқ жалб этиш, таълим билан ишлаб чиқарини самарали интеграциялаш учун шартшароитлар яратиш, ижтимоий шериклар тамойилларини амалга ошириш, касб-хунар коллежларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда васийлик кенгаҳларининг ролини ошириш. |
| 20. | Буюртмачилар, пудратчилар, шунингдек қурилиш-назорат органлари ва давлат қабул комиссияларининг таълим ва болалар спорти объектларини қуриш ва капитал реконструкция қилиш сифатининг оширилиши, уларнинг айниқса, қишлоқ жойларда ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, парталар ва мебель, компьютерлар, лингофон кабинетлари, ихтинослаштирилган физика, кимё, биология синфлари билан жиҳозланиши ҳамда мұжандислик-коммуникация тизимиға уланиши учун маъмурӣ ва молиявий жавобгарлигини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга ошириш. | III чорак | “Давархитекткурилиш” кўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | | | Бажарувчиларнинг таълим ва болалар спорт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш юзасидан маъмурӣ ва молиявий жавобгарлигини кучайтириш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг қарорини қабул қилиш. |
| 21. | Электр таъминоти ва коммунал хизмат кўрсатиши корхоналарининг таълим муассасаларининг электр энергияси, иссяклик ва тоза ичимлик суви билан уз-луксиз таъминланиши учун жавобгарлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар жорий этиш. | Йил давомида | “Ўзбекэнерго” ДАК, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ижтимоий ташаббусларни кўллаб-куватлаш жамгармаси | | | Бажарувчиларнинг кўшма қарорлари. Ўқув жараёнини тўлақони ташкил этиш учун зарур ва барқарор шартшароитлар яратиш. |
| 22. | Ихтинослаштирилган касб-хунар коллежларида ўқиши ва яшаш шароитларини яхшилаш: • имконияти чекланган шахслар учун Тошкент ихтинослаштирилган касб-хунар коллежига янги бинолар комплекси қуриш; • имконияти чекланган шахслар учун Фарғона ихтинослаштирилган касб-хунар коллежи биноларини мукаммал реконструкция қилиш. | 2008-2009 йиллар | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти ҳокимликлари | 5 717,1 улардан 2008 йилда 640,7 1 635,0 | Бюджет маблаглари | Ногирон болаларга тўлақонли касб-хунар таълими бериш учун шартшароитларни яхшилаш, уларнинг иш билан тўлиқ банд бўлиши ва жамиятга мослашви учун шароитларни яратиш. |
| 23. | Таълим муассасаларини кўзи ожиз ўкувчилар ва талабаларни ўқитиш учун маҳсус ўқув-методик адабиётлар, компьютер техникаси, техник воситалар билан таъминлаш. | Йил давомида | Халқ таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Ижтимоий ташаббусларни кўллаб-куватлаш жамгармаси, “Мех нури” жамгармаси, “Ҳаёт” нодавлат нотижорат ташкилоти | 50,0 | Бюджет маблаглари доирасида | Имконияти чекланган талабаларни ўқитиш шартшароитларини такомиллаштириш. |
| 24. | 2008 — 2010 йилларда “Мехрибонлик” уйлари ва маҳсус мактаб-интернатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиши ва тасдиқлаш. | II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ижтимоий ташаббусларни кўллаб-куватлаш жамгармаси, “Сен ёлғиз эмассан” жамгармаси, “Давархитекткурилиш” кўмитаси, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Харажатлар Дастурни тузиш якупларига кўра аниқлашади | Мактаб таълими жамгармаси | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. “Мехрибонлик” уйлари ва маҳсус мактаб-интернатларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. |

| T/p | Тадбирлар номи | Баёса риши мудда ти | Баёсарини учун масъуллар | Харажатлар (млн сўм) | Молияланиши манбалари | Хуёжнатни тақдим этиши шакли, амалга ошириш механизми ва кутилаётган натижаси |
|-----|--|---------------------|--|---|---|---|
| 25. | 2009 — 2012 йилларда олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга доир Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. | IV чорак | Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташабbusларни кўллаб-кувватлаш жамғармаси | Харажатлар Дастурни тузиш якунларига кўра аниқланади | Бюджет, ҳомийлар маблағлари, муассасаларнинг бюджетдан ташқари маблағлари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Олий таълим муассасаларини жиҳозлаш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. Олий таълим муассасаларида замонавий технологияларни жорий этиш, юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга кўмаклашиш асосида ўқитиш сифатини ошириш. |
| 26. | Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини электр энергиясига улашнинг 3-тоифасидан 2-тоифасига босқичма-босқич ўтказиши. | 2008 — 2012 йиллар | Халқ таълими вазирлиги, Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, “Ўзбекэнерго” ДАК, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, Ижтимоий ташабbusларни кўллаб-кувватлаш жамғармаси | 147 000,0 улардан 2008 йилда 5 000,0 | Бюджет маблағлари, “Ўзбекэнерго” ДАК маблағи | Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш. |

III. Таълим ва кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, ўзининг қатъий ҳаётий эътиқод ва қарашларига эга бўлган ёшларни тарбиялаш

3.1. Таълим даражаси ва сифатини тубдан ошириш, педагог кадрларни тайёрлаши ва қайта тайёрлаши тизимини тақомиллаштириши

| | | | | | | |
|-----|---|-------------|--|--|--|---|
| 27. | Мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларини фанлар бўйича олий маълумотли малакали ўқитувчилар ва муҳандис-педагоглар билан таъминланишини ҳар йили танқидий таҳлил қилиш механизмини яратиш, уларни малакали педагоглар билан тўлдириш бўйича комплекс чоратадбирларни амалга ошириш. | май, август | Халқ таълими вазирлиги, Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Молия вазирлиги | | | Яратилган механизм асосида фанлар бўйича олий маълумотли малакали педагог кадрлар тақчиллигини бартараф этиш юзасидан кўшима қарори. Педагог кадрлар тайёрладиган олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш жадвалини тасдиқлаш, ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, мактаблар, коллежлар ва лицейларни малакали педагоглар билан таъминлаш юзасидан аниқ чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқиши. |
| 28. | Умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрлар тайёрладиган олий ўқув юрглари фаолиятини чукур ўрганиш, уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, зарурат бўлганда, педагог кадрлар тайёрладиган олий ўқув юрглари тузилмасини ва мутахассислар тайёрлаш йўналишларини қайта кўриб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш. | II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги | | | Бажарувчиларнинг вазирлик ва идоралар раҳбарлари ва мутахассисларидан иборат таркибда ишчи гурух ташкил этиш юзасидан кўшима қарори. Педагог кадрлар тайёрладиган олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш жадвалини тасдиқлаш, ҳар бир олий таълим муассасаси бўйича умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими тизими учун педагог кадрлар тайёрлаш самарадорлигини ошириш, мактаблар, коллежлар ва лицейларни малакали педагоглар билан таъминлаш юзасидан аниқ чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқиши. |
| 29. | Иқтисодиётнинг реал тармоқларида ва соҳаларида талаб юқори бўлган кадрларни сифатли тайёрлаш мақсадида таълим стандартларини чукур таҳлил қилиш асосида мактаблар, лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ўқув жараёнининг ўқув-услубий таъминотини тақомиллаштириш юзасидан чоратадбирлар комплексини ишлаб чиқиши. | II чорак | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Давлат тест маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, “Истебъод” жамғармаси | | | Бажарувчилар томонидан таълим стандартларини чукур таҳлил этиш, тажрибали ўқитувчилар, методистлар, олимлар, шунингдек буюртмачилар фикрини ҳисобга олган ҳолда, умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим ўқув дастурларини модернизация қилиш, амалдаги ўқув дастурларига ва режаларига белгиланган тартибида ўзгартиришни ўз ичига оладиган чоратадбирлар комплексини тасдиқлаш. |
| 30. | Умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим ўқув дастурларини практика ва амалий машгулотлар соатлари ҳажмини кўпайтириш юзасидан модернизация қилиш чоратадбирларини амалга ошириш. | III чорак | Олий ва ўрга маҳсус таълим вазирлиги, Ўрга маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Давлат тест маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | | | Ишчи гурухларнинг тажрибали ўқитувчилар, методистлар, олимлар, шунингдек буюртмачилар фикрини ҳисобга олган ҳолда, умумий ўрга, ўрга маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим ўқув дастурларини таҳлил ва модернизация қилиш юзасидан таклифларини тайёрлаш. Амалдаги ўқув дастурларига ва режаларига белгиланган тартибида ўзгартиришлар киритиши. |

| T/p | Тадбирлар номи | Бажарниш муддати | Бажарниш учун маъсуллар | Харжатлар (млн. сўм) | Молиялаштириши манбалари | Хужжатни тақдим этиши шакли, амалга ошириши механизми ва кутилаётган натижаси |
|-----|--|--|---|--|-------------------------------------|---|
| 31. | Умумтаълим муассасалари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўкув юргларини, шунингдек Болалар ижодиёти марказлари ва минтақавий ёшлар марказларини дарслклар ва ўкув кўлланмалари билан таъминлашни яхшилаш, бунда электрон дарслклар ва ўкув фильмлари яратиш ҳамда улар билан ўкув юргларини таъминлашни назарда тутиш. | III чорак | Халқ таълими вазирлиги, Республика мақсадли китоб жамғармаси (РМЖ), Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Молия вазирлиги, "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий асоцисијаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази, "Эркин фикр" студияси | Жами: 19 474,0 шу жумладан: 12 894,0 6 580,0 | Бюджет маблаглари РМЖ маблаглари | Ўкув юргларини зарур дарслклар ва ўкув-методик адабиётлар билан таъминлаш. |
| 32. | Узлуксиз таълим тизимининг педагог кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш институтлари, марказлари, факультетлари фаолиятини таңқидий таҳдил қилиш. Малака ошириш ўкув дастурларига, ихтисослигидан қатъи назар, барча ўқитувчилар учун ахборот технологиялари ва замонавий педагогик технологиялар курсларини жорий этиш. Қайта тайёрлаши ва малака оширишдан ўтган педагог кадрларнинг, талаб катта бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш натижаларига қараб улар фаолиятининг мониторингини олиб бориш тизимини яратиш. Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтлари ва марказларининг кадрлар салоҳиятини кучайтириш. | IV чорак II чорак II чорак | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Молия вазирлиги Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги "Истеъод" жамғармаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги | | | Бажарувчилар қарорлари. Ишчи гурух тузиш, педагог кадрлар малакасини ошириш тизимларни фаолиятини ва уларнинг моддий-техник базасининг аҳволини, замонавий анжомлар билан таъминлангандигини, етакчи корхоналар ва илмий марказлар билан мустаҳкам алоқаларининг мавжуддигини, штатларнинг юқори малакали педагоглар билан тўлдирилганларни таңқидий ўрганиш жадвалини тузиш ва тадбирларни амалга ошириш. Таҳдил ва инвентаризация натижаларига кўра узлуксиз таълимнинг педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тақомиллаштириш юзасидан аниқ тақлифлар тайёрлаш. |
| 33. | Педагоглар малакасини ошириш жараёнинг мамлакатимиз ва хориждаги замонавий педагогик ва ахборот технологияларини, шунингдек хорижий ўкув марказларида ва корхоналарида малака ошириш курсларида ўқиган ва стажировкадан ўтган муҳандис-педагог кадрларни жалб этган ҳолда "Истеъод" жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш ва самарадорларигини ошириш. | II чорак | "Истеъод" жамғармаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Давлат тест маркази | 100,0 | Бажарувчилар маблаги | Бажарувчиларнинг кўшма қарори билан чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. |
| 34. | Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида таълим жараёнинг, айниқса муҳандис-техник, иқтисодий, юридик фанлар бўйича тажрибали амалиётчиларни, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ва профессорларини жалб этищни раббатлантириш тизимини яратиш. | II чорак | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, "Истеъод" жамғармаси | 140,0 | Бюджет маблаглари | Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларіда ўқитувчиларни таълим сифатини яхшилашта кўмаклашадиган тажрибали ишлаб чиқариш амалиётчилари, шунингдек олий таълим муассасаларининг етакчи ўқитувчилари ҳамда профессорларини жалб қилишини раббатлантириш тизими ва механизмларини жорий этиш бўйича бажарувчиларнинг кўшма қарорини тайёрлаш. |
| 35. | Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими соҳасида педагогларни моддий раббатлантириш ва меҳнатига ҳақ тўлаш микдорларининг (умумтаълим муассасалари жорий этилгани каби) уларнинг мутахассислар тайёрлаш даражаси ва сифатини оширишдаги шахсий ҳиссасига боғликларини кучайтиришни назарда тутадиган педагоглар меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини жорий этиш. | III чорак | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги | 26 900,0 | Бюджет маблаглари | Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг тақомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида" ги қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш. |
| 36. | "Ёшлик" талабалар шаҳарчасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш, дастурда "Ўзбекистон Маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан 500 кишига мўлжаллаб ташкил этилган "Келажак овози" ёшлар ахборот-ресурс марказини тўла комплектация қилиши ва жиҳозлашни назарда тутиш. | II чорак | Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази | 50,0 | Бюджет ва ҳомийлар маблаглари | Бажарувчиларнинг кўшма дастури. Талабалар ва илмий ходимлар учун шарт-шароитлар яратиш. |
